*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 66 (6. 855) ◉ 1989 йил 20 март, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг

## КПСС Марказий Комитети Пленумида 1989 йил 16 мартда сўзлаган

# ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Партия Марказий Комитети Пленумида бўлиб ўтган мунозаралар Пленумга тайёргарлик доирасида амалга оширилган жуда катта иш билан биргаликда биз ҳақиқатан ҳам жамиятимиз тараққиётининг энг катта ва эҳтимол энг қийин муаммосини муҳокама қилаётганлигимиз ва шу муаммо хусусида қарор қабул қилишга яқинлашганимиз тўғрисида яна бир бор гапиришга имкон беради, деб ўйлайман.

Нутқларга қараганда, докладда баён қилиб берилган ва сизларнинг қўлингиздаги ҳужжатларнинг асосий қоидаларига у ёки бу тарзда мувофиқ келадиган аграр сиёсатнинг асосий йўналиши Марказий Комитет аъзолари, Пленум ишида қатнашаётган ҳамма кишилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бу ерда айтилган кўпгина танқидий фикр ва мулоҳазалар, истаклар кўп жиҳатдан тўғридир. Бир қанча хусусий, конкрет масалалар бор. Уларни ишлаб чиқиш керак. Аммо улар асосий масалани кун тартибидан олиб ташламайди: аграр секторимизни ривожлантиришга чинакам омил бахш этиш учун биз туб сиёсий чора-тадбирларни топишимиз керак. Бу йўналиш қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш билан боғлиқ.

Қишлоқнинг моддий базаси ҳамда қишлоқни социал жиҳатдан обод қилиш жуда муҳимдир. Бу масалаларнинг ҳаммасини комплекс тарзда ҳал қилиш керак. Биз ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча катта, туб чора-тадбирларни қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз лозим. Бироқ ана шу комплексда, ўртоқлар, барибир энг ҳал қилувчи позиция, асосий нуқта — мулк муносабатларини қайта қуриш, ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш, колхоз тузуми, социалистик мулк заминидаги потенциални рўёбга чиқариш имконини берадиган барча хилма-хил формалардан фойдаланишдир. Айни вақтда аграр комплексни бошқаришнинг буйруқбозлик усулларидан воз кечиш лозим, бу ҳам қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг ғоят муҳим жиҳатини ташкил этади.

Менимча, бу янги аграр сиёсатнинг ўзагидир. Бу туб бурилиш бўлиб, одамни ернинг хўжайинига айлантириш имконини беради. Очиғини айтамиз, одамлар ернинг ҳақиқий хўжайини бўлмаса, ҳеч иш чиқмайди. Умуман деҳқон меҳнатининг обрўсини ошириш, деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг аҳволини яхшилаш керак. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида социализмнинг ленинча концепциясига, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш йўлига мос келадиган тағин ҳам уйғунроқ муносабатлар қарор топиши лозим. Айни мана шу муҳим сиёсий мақсад Пленум қарорларига, айтишим мумкинки, бурилиш тусини беради.

Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: қишлоқ катта ғамхўрликка, хилма-хил катта ёрдамга муҳтож. Аммо у энг аввало одамларнинг ўзларини чинакам хўжайин деб ҳис этиб, ташаббускорлик билан ишлашлари учун имконият яратиб берилишига муҳтождир. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, ҳужжатлар, ҳатто энг яхши ҳужжатларнинг ўзи ҳам ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Бу соҳада жуда катта иш олиб бориш керак. Аммо менинг назаримда биз янги аграр сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этяпмиз. Дарҳол шу йўналишда ишни бошлаб юбориш лозим.

Ҳамма саволларга жавоб ололмадик, деб ўртоқлар ранжиб кетишларини истамас эдик. Пленум биринчи навбатда сиёсий йўл-йўриқ, сиёсий йўналиш бериши лозим. Шу муносабат билан Пленумнинг асосий ҳужжатини ҳам, айтайлик, бевосита хўжалик директивалари юкидан халос қилиб, унга сиёсий, йўналтирувчи тус бериш керак, деб ўйлайман. Буни сиёсий йўл-йўриқ тарзида баён қилиш керакки, кейинчалик ҳукумат ҳам, барча идораларимиз ҳам мана шу йўл-йўриқ асосида ишлаши лозим.

Пленум қатнашчилари биз аграр муаммоларни тушуниб етишнинг ҳақиқатан ҳам бошқа даражасига, аграр секторимизни энг аввало қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш асосида қайта қуриш юзасидан принципиал янги даражага чиқиб олаётганлигимизни англаб етишларини истар эдим.

Учинчидан, баҳсга сабаб бўлган масалалар бор.

Улар Иттифоқ ва республикаларнинг, республика ва областларнинг ўзаро муносабатларига, давлат буюртмаси билан колхозлар, совхозлар, корхоналар мустақиллиги ўзаро муносабати қандай бўлиши масаласига тааллуқлидир. Мен булар реал илғаб олинган масалалар, улар узил-кесил равшанлаштирилмаган, деб ўйлайман. Бу масалалар устида иш олиб бориш керак.

Агар биз колхозлар ва совхозларнинг хўжалик жиҳатидан мустақиллигини тан олишга асосланадиган бўлсак, агар биз аграр секторда район, область, республика даражасида амал қилиб келган буйруқбозлик системасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилсак, мана шунинг ўзи бурилиш бўлади, у жумладан давлат буюртмаси хусусида ҳам мутлақо янги вазиятни вужудга келтиради, деб ўйлайман. Бу эса давлат эҳтиёжлари, масалан Чехословакиядаги каби контрактациялар, шартномалар асосида ҳал қилиниши лозимлигини билдиради.

Чехословакияда жамиятнинг барча эҳтиёжларини, уларни қандай ҳисобга олишни, аграр сектор йўли билан бу эҳтиёжларни қандай қондиришни пухта аниқлашади. Бу энг асосий масалалардир. Пленум ҳужжатлари, биз вужудга келтирадиган янги вазият аграр сиёсатга ёндашувларимизни қайта қуриш учун ишончли базанинг ўзидир.

Ана шу ҳужжатларни ишлаб чиқиш чоғида конкрет тусдаги қандайдир масалалар вужудга келиши мумкин, чунки биз Пленумда ҳамма нарсани принципиал жиҳатдан ҳал қиламиз. Ана шу конкрет масалаларни эса ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Шундай масалалар борки, уларни алоҳида диққат-эътибор билан ва ўйлаб ҳал қилиш керак. Мана, масалан, ўртоқ Бразаускас, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини республика органлари белгилаб бериши лозим, деди. Лекин нарх-наво Иттифоқда хилма-хил бўлиб кетса, тўғри бўлармикан, ўртоқлар? Бирорта жамият ҳам бунга йўл қўймайди. Бирортаси ҳам йўл қўймайди. Ҳар қандай жамият нарх-навони тартибга солиб туради — уларнинг ҳаммасида ғоят аниқ механизмлар ишлаб чиқилган.

Хуллас, шошма-шошарлик билан ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар бор. Лекин бу, маҳсулотнинг айрим турларига, айтайлик картошка, мева ва сабзавотларга нарх белгилашда маҳаллий органлар бир четда қолиши керак, деган маънони билдирмайди. Ғарб давлатларининг тажрибаси ва социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз тажрибаси шуни кўрсатдики, мавсумий маҳсулотларга шартнома нархларини жойларнинг ўзида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Аммо бунда одамларимиз нархлардаги анархиядан гарантияланиши лозим.

Ўртоқлар, чакана нархларга тааллуқли барча масалаларга жуда масъулият билан ёндашмоқ керак. Академик Лукиновнинг нутқини мен ана шундай принципиал жиҳатдан тушундим. Жамиятдаги баҳс-мунозаралардан кейин қандайдир босқичда биз ҳаммамиз ҳозир нархларни ўзгартирмаслик керак, деган хулосага келдик. Чунки нархларни ўзгартириш ҳақиқатан ҳам реал масалаларни фақат нарх-наво ҳисобига ҳатто, эҳтимол одамларнинг манфаатлари ҳисобига ҳал қилишга уриниш бўлур эди. Бундай тадбирни одамлар тушунмаган бўлардилар.

Биз ҳали бозорни моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирганимиз йўқ. Мамлакатнинг молиявий аҳволида тартиб ўрнатиш юзасидан ҳали туб чора-тадбирларни кўрганимиз йўқ. Бундай чора-тадбирлар ҳозир тайёрланмоқда. Уларни ишлаб чиқишда барча республикаларнинг вакиллари иштирок этдилар. Бу тадбирларни ҳаммамиз биргаликда амалга оширамиз. Экономика, молиявий аҳвол, умуман бозор хусусида эса вазиятни соғломлаштириш учун икки-уч йил иш олиб бориш керак. Фақат ана шундан кейингина биз нарх-наво тўғрисидаги масалани ўртага қўя оламиз.

Менимча, бу оғир мунозара бўлди, бу мунозара жамиятда жуда қизғин ўтди ва фойдали бўлди. Биз — жамоатчилик ҳам, фан ҳам, сиёсий раҳбарият ҳам, ҳукумат ҳам умумий, ягона хулосага келдик. Бу соҳада ҳамма нарса равшан бўлишини истар эдим. Нарх-навони ислоҳ қилиш вақти келганда (бизда нарх белгилаш эса ғоят чалкаштириб юборилган) — ана ўшанда биз таклифларимизни ғоят кенг муҳокамага қўямиз, албатта. Бу шундай масалаки, уни бутун жамият биргаликда ҳал қилиши керак. Совет кишилари уларнинг иштирокисиз бундай қарор қабул қилинмаслигига ишончлари комил бўлиши лозим.

Пленумда яна бир масала кўтарилди, бу масала турмушда ҳам жуда ўткир бўлиб турибди: бу қишлоқ, қишлоқ турмушининг уклади, қишлоқ аҳолиси, қишлоқ меҳнатчилари турмушининг қандай йўлга қўйилганлиги масаласидир. Бу ғоят муҳим масала. Биз бу соҳада амалга ошира бошлаган ишлар, ҳозир режалаштираётган ишларимиз ҳам қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришга тааллуқли лойиҳаларимизда ўз ифодасини топади, деб ўйлайман — мана шунинг ўзи олға томон қўйилган катта қадамдир.

Қишлоқда коммунал ободончилиги масалаларини ҳал этиш — эҳтимол ҳали пухталаштиришни талаб қилади, деган бўлур эдим. Докладнинг ана шу қисмига эътибор берган бўлсаларингиз керак. Муаммо техника тусидагидек бўлиб кўринади, лекин у социал сиёсат билан бевосита боғлиқ. Масалан, дунёда аграр секторда марказлаштирилган иссиқлик тармоқлари, бошқа инженерлик иншоотлари барпо этиш йўлидан эмас, балки автоном системалар барпо этиш йўлидан боришди. Фақат катта мамлакатлардагина эмас, шу билан бирга бундай иншоотларни ётқизиш биздагига нисбатан осонроқ бўлган кичик мамлакатларда ҳам ана шундай қилинмоқда. Биз жаҳон тажрибасини ўрганишимиз лозим, деб ўйлайман. Госстрой эътиборини ана шунга жалб этиш керак.

Биз саноатдаги кўпгина усулларни кўр-кўрона қишлоққа кўчирганимизда хато қилганмиз, қишлоқда уй-жой қурилишида, социал жиҳатдан қайта қуришда, коммунал масалаларни ҳал қилишда ўйламай-нетмай шаҳардаги усуллардан фойдалансак, янада қўпол хатога йўл қўйган бўламиз. Шаҳарда фойдали тажрибалар жуда кўп, лекин ҳар ҳолда қишлоқда бошқача ёндашув талаб қилинади. Шу маънода Госстрой орқада қолиб кетмоқда. Ҳар хил лойиҳалар, суратлар кўп, пухта ўйланган истиқболли ечимлар йўқ. Бу хусусда иш олиб бориш керак.

Якка тартибдаги қурилиш учун кредит бериш тўғрисидаги жуда муҳим масала ҳам кўтарилди. Бу йил кредитлар ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайтирилди — 20 миллиард сўм ўрнига 40 миллиард сўм ажратилди. Хўш бу нимани кўрсатди? Бу — муаммонинг кўламини кўрсатди ва қишлоқ аҳолиси ўзи хусусий уй қуриб олишга реал қизиқиш билан қараётганлигини очиб берди. Ана шу қизиқишни фақат табрикламоқ керак! Тўғри, шунақаси ҳам бўлдики, уй қуриш учун кредит олиб, автомобиль, телевизор сотиб олишди... Баъзи бировлар муғомбирлик қилишди. Бу ишда молиявий назорат қилиш чоралари ҳам топилди. Лекин масаланинг моҳияти фақат кредитда эмас Ғишт, цемент, ёғоч-тахта етказиб бериш керак. Биз ҳозир ҳатто бозор орқали бинокорлик материаллари етказиб бериш учун ана шу муаммо устида бош қотиряпмиз — бу товар оборотини ҳам тўлдиради. Бу хусусда ҳам иш олиб бораверамиз. Мен бундай ёндашувларни табриклайман.

Яқинда Украинага қилган сафаримни эслайман. Донецкдаги кон-шахта машина-ускуналари заводига бордик. У ерда уй-жой билан таъминлаш масаласи жуда ёмон, кескин бўлиб турибди. Директор шикоят қилиш, елиб-югуриш, кўз ёши қилиш, Киевга бориш, жойларда ҳам кўз ёши қилиш мумкин, деб ўйлаган, албатта. Бу бошқа гап, шундай қилиш мумкин, кўплар шундай қиладилар, бу асабни жойига туширади. Лекин директор ўйлаб-ўйлаб, бошқа қарорга келди. Ахир биз машинасозлармиз, қолипни ўзимиз ясашимиз мумкин, деб ўйлади. Шу тариқа заводда монолит уйлар қуриш абж олдириб юборилди. Бигта уйни, яна иккитасини қуришди. Ишлар шу тариқа юришиб кетди.

Қозоғистонлик ўртоқларнинг тажрибаси ибратли эмасми, улар мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишди, кўпроқ бинокорлик материаллари, цемент олиш учун улар одамларни учинчи сменада, ишдан кейин, дам олиш кунларида ишлашга отлантиришди. Заводларни ҳам жалб қилишди, улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Шундай қилиб иш юришиб кетди. Львовда эса, масалан, тўпланиб, ғишт заводлари қура бошладилар, ташландиқ ғишт заводларини эса тикладилар. Бинокорлик материаллари пайдо бўлди. Келинглар, ўртоқлар, ҳамма жойда ана шундай ташаббускорлик билан ишлайлик.

Айрим коллектив ҳал қила олмайдиган масалалар ҳам бор. Уларни давлат ва давлат корхоналари йўли билан ҳал қилиш керак. Аммо ташаббускорликка йўл очиб берайлик, уни ривожлантирайлик, одамларни қўллаб-қувватлайлик.

Пулнинг кўпини қаерга сарфлаш керак — шаҳаргами ёки қишлоққами? — деб баҳслашиш мумкин, албатта. Лекин гап яна пулда эмас. Шу ўринда орёлликлар тажрибасини яна бир бор эслатиб, ундан фойдаланишни таклиф қилган бўлур эдим. Ўртоқлар, жойларда вазиятни ишчилар синфи, деҳқонлар билан биргаликда муҳокама қилиб, келинглар, ҳозирча икки-уч йил ичида қишлоқни анча юксалтириб олайлик, деб келишиб олишдан бошқа илож йўқ. Халқ ҳам қараб турмайди. Буни Москвада эмас, балки Пленумнинг сиёсий тавсияларига таяниб, жойларда, областларда, республикаларда ҳал қилиш лозимлигини тушунасизлар.

Айтайлик, бир вақтлар Литва шу тариқа ўз ишини қайта қурган эди-ку. Шаҳарлар ҳам ёрдам берган, бу ишга ҳамма жалб қилинган эди. Бу хуторлар республикаси эди, хутор бўлганда ҳам қандай, эндиликда эса улар ажойиб посёлкага айланган. Хуторлар ҳам бутунлай бошқача, ана шу ҳаракатни бошлаб берган ўртоқ Снечкусни эслайман. Мутлақо бошқа республика, мутлақо бошқача турмуш! Бу ерда қишлоқ турмуши масалалари шу қадар ажойиб ҳал қилинганки, яшаш учун шаҳарлардан қишлоқларга боришяпти. Ана шундай ёндашувлар бошқа жойларда ҳам бўляпти. Келинглар, ўртоқлар, уйга қайтганимиздан сўнг ҳамма жойда шундай қилайлик. Одамлар бизни қўллаб-қувватлашади.

Очиғини айтаман, биз шаҳарда қурилишни тўхтатиб, ҳамма маблағни қишлоққа сарфлай олмаймиз. Бизда ишчилар синфининг турмуш шароитларига, маиший шароитларига тааллуқли жуда кўп долзарб муаммолар бор. Бундай муаммоларни Красноярскда, бошқа шаҳарларда кўрдим. Бу муаммолар ҳамма жойда бор.

Хуллас масалани шаҳарда қурилишни тўхтатиб, бутун маблағни қишлоққа сарфлаш тарзида қўйиш нотўғри бўлур эди. Ўртоқлар, бизда қишлоқдаги устун масалаларни манфаатларни оқилона қўшиб олиб бориш асосида шаҳар муаммолари билан биргаликда ҳал қилиш учун имкониятлар бор.

Пленумда биринчи бўлиб сўзга чиққан ўртоқ Потапов нутқидан бошлаб улкан программаларимизни амалга ошириш масаласини, уларни бажариш тўғрисидаги масалани қаттиқ қилиб қўйиш, бу хусусда келишиб олиш ҳақида гап борди. Бизда кўпгина программалар бажарилмаслик хавфи остида қолди. Ватанимиздаги улкан машинасозлик программаси ҳам кечиктириб бажарилмоқда. Социал масалалар анча илгарилаб кетганига қарамай, уларни ҳал қилишда ҳам кечикилмоқда. Ваҳолонки, биз экономикамизни одамларга қаратиш, энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун катта маблағ ажратдик. Ҳарбий харажатларни қисқартириш ҳисобига пул топиб, соғлиқни сақлашга 6 миллиард сўм бердик. Лекин бу маблағ ҳамма жойда ҳам ўзлаштириляпти, деб бўлмайди.

Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, ишлаб чиқариш қурилиши юзасидан катта бурилишнинг амалий вазифаларини ҳам биз шу тариқа ҳал қиладиган бўлсак, у ҳолда, сизларга айтиб қўяй, ўз халқимиз олдида бебурд бўлиб қоламиз. Бу эса қайта қуришга путур етказади. Шу сабабли, ўртоқлар, аграр программани амалга ошириш масаласини биринчи ўринга қўйяпман. Бу энг муҳим, энг асосий масаладир. Бу соҳада ҳеч ким четда туриши мумкин эмас. Агар ҳозир ана шу ҳужжатлар теварагида муғомбирлик қилиниб, деҳқонлар, қишлоқ меҳнатчилари, колхозлар, совхозлар ўз муаммолари билан ўз ёғига ўзлари қоврилишига йўл қўйилса, Пленумнинг ҳам, бутун мунозаранинг ҳам, биз бу ерда қабул қиладиган барча ҳужжатларнинг ҳам баҳоси икки пул. Бу ҳақда қатъий келишиб олиш керак.

Пленум қарорларини бажариш — умумхалқ ишидир. Аммо орқангдан келиб туртишларини кутиб ўтирма. Ҳар ким иш қилиши, Пленум ҳужжатларидан ўзи учун келиб чиқадиган масалаларни ҳал этиши лозим. Янги аграр сиёсатни амалга ошириш — ички сиёсатимизнинг марказий, туб масаласи эканлигини тушуниб, виждонан ишлаш керак.

Партия ана шу сиёсатни тушунтириш юзасидан, Пленум қарорлари очиб берадиган барча имкониятларни кадрларимиз ўзлаштириб олиши юзасидан жуда катта иш олиб бориши лозим. Ниҳоят — мен буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман — биз ишни қишлоқ меҳнатчилари, деҳқонларимиз партия улар билан ёнма-ён бораётганлигини, ҳозирги қийин босқичда улар билан биргаликда бораётганлигини ҳис этадиган қилиб олиб боришга мажбурмиз. Партия ишларнинг аҳволини англаб етди, идрок этди, у янги аграр сиёсатни тавсия қилди ва янги маррага чиқиб олиш учун бутун жамиятни оёққа турғизмоқда — деҳқонлар ана шуни ҳис этишлари лозим. Бу жуда муҳимдир, ўртоқлар!

Бугун Чита область комитетининг секретари ўртоқ Мальков сўзга чиқди. Областнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари ҳақида гапириш мумкин. Чунки яқинда область хўжалиги бутунлай ўтириб қолган эди. Энди эса область жўшқин ривожланмоқда, ишлар яхшилана бошлади, одамларнинг кайфияти ўзгармоқда. Ҳар жиҳатдан қийин ана шу областда коммунистлар, область партия ташкилоти барча ишларнинг, барча ўзгаришларнинг жони-дили бўлиб қолди.

Ҳозир бунёдкорлик ишларини олға томон ривожлантириш учун катта ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлар вужудга келмоқда. Партия улкан ташкилотчилик фаолиятини ҳам, аграр сиёсатни идеологик жиҳатдан таъминлашни ҳам ўз зиммасига олиши керак.

Бу ишда, ўртоқлар, ҳаммаларингизга муваффақият тилашга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

# Қайта қуриш мактаби

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар анъанавий бўлиб қолди. Навбатдаги учрашув 18 март куни бўлиб ўтди.**

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов очди. У ижодкор зиёлилар катта отрядининг намояндалари билан учрашувлар қизиқарли суҳбатни давом эттириш, республика социал-иқтисодий ва маданий тараққиётининг долзарб масалалари хусусида фикр алмашиш имкониятини беради, деб таъкидлади.

Бундан илгариги учрашув ҳозирги вақтда мулоқот, турли нуқтаи назарларни таққослаш, долзарб муаммоларни демократик йўсинда муҳокама қилиш асосида уларга тўғри ёндашувларни ишлаб чиқиш нечоғлик муҳим эканлигини яққол кўрсатди. Ана шундай муҳитда биз ҳаммамиз бахс маданиятини ўрганмоқдамиз, янгича сиёсий фикрлашни эгалламоқдамиз, қайта қуришнинг ўзига хос мактабини ўтамоқдамиз.

Бундай учрашувларнинг алоҳида аҳамияти шундаки, булар республика ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти маромини тўлароқ ҳис этишга, ижодкор зиёлиларни жамиятни маънавий янгилаш жараёнларига фаолроқ жалб этишга ёрдам беради.

Ҳозир бу жуда муҳимдир. СССР халқ депутатларини сайлаш юзасидан сайлов кампаниясининг якунловчи босқичи бошланди. Депутатлар корпусининг янги составига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан, кўпчилик жамоат ташкилотларидан вакиллар сайланди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги сайловолди кампанияси илгариги кампаниялардан аҳоли барча қатламлари ва социал группаларининг фаоллиги тобора ортиб бораётгани, бўлажак халқ депутатлари номзодлари ишчанлик билан ҳар томонлама муҳокама қилинаётгани, сайлов кампаниясининг барча босқичларига хос бўлган янгича ёндашувлар билан фарқланади. КПСС Марказий Комитетининг сайловолди Мурожаатномасида баён этилган аниқ-равшан, принципиал сиёсий платформага суяниб, партия амалда жамиятимизнинг авангарди, унинг раҳбар кучи сифатида майдонга чиқмоқда. Демократия ва ошкораликни кенгайтириш, туб иқтисодий ислоҳотни ўтказиш, Советлар ҳокимиятини янгитдан тиклаш ва ҳуқуқий давлатни қарор топтириш, мамлакатдаги ижобий жараёнларни жадаллаштириш йўли собитқадамлик билан ўтказилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг куни-кеча бўлиб ўтган Пленуми буни яна бир карра ишончли тарзда тасдиқлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумдаги докладида қуйидагиларни таъкидлади: «Жамиятимиз чуқур сифат ўзгаришларини бошидан кечирмоқда; қайта қуриш кучқувватга тўлиб бормоқда, у ўз потенциалини кўпайтирмоқда, ушбу потенциал эндиликда ўзини намоён этмоқда ва совет жамияти социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётига муқаррар тарзда тобора сезиларли таъсир ўтказаверади».

Пленум деҳқонга ерга тўла эгалик қилиш ҳуқуқини таъминлайдиган шароитларни яратиш лозимлигини таъкидлади. Замонавий аграр сиёсатнинг асосий масаласи — қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришдир. Бу борадаги барча тадбирлар қишлоқнинг шаҳар билан, экономиканинг бошқа секторлари билан адолатли ўзаро муносабатларини қарор топтириш, ўз ҳукмини ўтказишга ва бошқарувнинг бюрократик формаларини тиқиштиришга ҳар қандай уринишларга қарши қатъий курашни ҳам ўз ичига олиши керак. Агросаноат комплекси барча тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доимий эътиборни қишлоқ меҳнаткашлари меҳнати турмуши ва дам олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик билан бирга қўшиб олиб бориши керак.

Қишлоқда иқтисодий муносабатлар ислоҳотининг асосий омили сифатида ижара тилга олинди, бу ўринда гап, аввало, колхоз ва совхозларнинг ички хўжалик ижарасига ўтиши, кооператив ижарачиларни тузиш негизида уларни ўзгартириш тўғрисида бормоқда.

Умуман мамлакат экономикасида ҳам, аграр секторида ҳам содир бўлган вазиятни ҳисобга олиб, пленумда алоҳида ўтиш даври зарурлиги асослаб берилди, мазкур даврда биринчи даражали аҳамиятга молик бир қанча вазифалар ҳал этилади. Нарх белгилаш ислоҳоти, социалистик бозорни қарор топтириш, ҳамма даражаларда агросаноат комплексини бошқариш системасини тубдан ўзгартириш шулар жумласидандир. Гап СССР Давлат агросаноат комитетини, район агросаноат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, колхоз ва совхозларнинг оператив хўжалик мустақиллигини таъминлайдиган, уларнинг ижодий ташаббусига кенг йўл очадиган бошқарувнинг пухта системасини яратиш тўғрисида бормоқда.

Назаримда, шуни таъкидлаш жуда муҳимки, иттифоқдош республикалар даражасида агросаноат комплексини бошқариш тўғрисидаги масала иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини, ўз-ўзини бошқаришни ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни кенгайтириш асосида шу республикалар экономикаси ва социал соҳасига раҳбарликни қайта қуриш умумий принципларининг ҳозир тайёрлаб қўйилган лойиҳаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Пленумда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника потенциалидан самарали фойдаланиш, қайта ишлаш саноатида сифат силжишларини таъминлашдек муҳим масалалар жиддий таҳлил этилди. Шундай қилиб, қисқа муддатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш — ташиш — асраш — қайта ишлаш — сотиш — истеъмол этиш жараёнларини мутаносиб ривожлантиришга эришиш учун куч ва маблағларни қайта тақсимлаш вазифаси қўйилди.

Партия аграр сиёсатининг бошқа жиҳатлари ҳам батафсил, ҳар томонлама муҳокама қилинди. Булар орасида атроф-муҳитни муҳофаза этишдек муҳим муаммо муҳокама қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Пленумда кўпгина регионларда тупроқ унумдорлиги пасайиб кетаётганлиги, катта-катта майдонлар шамол ва сув таъсирида нураб бораётганлиги, шўрхок ерлар кўпаяётганлиги ҳақида ташвиш билан гапирилди. Миллий экологик программа тузиш зарурлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилганлиги мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур программага кўра, йиғилиб қолган муаммолар бартараф этилиши, табиат бойликларига бепарво муносабатда бўлиш барҳам топиши керак.

Қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуришни анча жадаллаштиришни таъминлайдиган тадбирлар комплексини ҳам Пленум қатнашчилари якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Равшанки, бугун Пленумда кўриб чиқилган экономика аграр секторини ривожлантиришнинг барча муаммоларини батафсил таҳлил этиш мақсади қўйилаётгани йўқ. Яқин орада бу ҳақда гаплашиб олинади. Воқеалар изидан бориб, Марказий Комитет Пленумидаги нутқимда баён этилган асосий хулосалар ва баҳолар хусусида тўхтаб ўтмоқчиман, холос, деб таъкидлади нотиқ.

Бу асосий хулосалар ва баҳолар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун изчиллик билан ўтказаётган йўлнинг мантиқий давомидир. Нутқда умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистоннинг пахтачиликка ихтисослашувининг пахта монокультураси билан сира алоқаси йўқлиги таъкидланди.

Биз бир қанча йиллар мобайнида пахта хариди планларини барқарор қилиб қўйиш масалаларини ўртага қўйдик, шунингдек республикамизда етиштирилган хом ашёдан бошқа регионларда тайёрланган маҳсулотга солинадиган оборот солиғининг бир қисмини республика бюджетига ўтказиш ниҳоятда зарур эканлигини таъкидладик. Шу билан бир қаторда пахта етиштириладиган жойларда, республиканинг область ва районларида уни қайта ишлашни жадал ривожлантириш эҳтиёжи борлиги таъкидланди, чунки бу ерларда катта меҳнат ресурслари бор. Умидвормизки, ана шу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши республикадаги иқтисодий вазиятни яхшилашга имкон беради, агросаноат комплексининг бундан буёнги равнақини таъминлайди.

Шу катта ва кенг миқёсли ишда илмий ва ижодкор кучларимиз муносиб ўрин эгаллашларига шубҳа йўқ. Биз улардан аграр сиёсатга тааллуқли назарий ечимларни, агросаноат комплекси моддий базасини ривожлантиришга, технология жараёнларини, меҳнатни ташкил этишнинг хўжалик ҳисоби формаларини такомиллаштиришга ҳисса қўшадилар, деб умид қиляпмиз, деди пировардида Р. Н. Нишонов.

Учрашув қатнашчилари кўпчиликни тўлқинлантираётган бир қанча муаммолар, экономика, маданият, миллатлараро муносабатларга тааллуқли масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини рўй-рост айтдилар.

Учрашувда ТошДУ кафедра мудири А. Аъзамхўжаев, «УзНИИПГрадостроительство» бош архитектори С. Сутягин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Зиёдуллаев, «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг бош редактори Т. Маҳмудов, Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг бош режиссёри Л. Файзиев, Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти бўлим мудири С. Зинин, ТошДУ профессори Г. Ҳидоятов, «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори А. Хўжаев, ТошДУ профессори О. Шарофиддинов, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Қодирова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти З. Салимов, ёзувчилардан З. Аълам ва Ф. Бокарев сўзга чиқдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. А. Оников сўзга чиқди.

Мажлис аҳлининг кўпгина саволларига жавоблар қайтарилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

**(ЎзТАГ).**

## Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессияси олдидан

**Илгари хабар берилганидек, шу йил 14 апрель куни йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси бўлади. Депутатлар муҳокамасига «КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ва аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш ҳамда шаҳарни халқ истеъмоли товарлари ва пулли хизмат билан таъминлашни ташкил этишни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги масала ҳавола этилади.**

**Фойдали эканлигини исбот қилган, сўнгги вақтда таркиб топган практикага кўра, Тошкент шаҳар Совети, доимий комиссиялар ва шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар аҳолиси муҳокама қилиши учун тезисларни барвақт эълон қилишга қарор қилдилар, бундан кўзда тутилган мақсад — маслаҳатлашиб олиб, шаҳар маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, Советларнинг доимий комиссиялари, саноат, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хўжалик раҳбарларининг аҳолининг юқори сифатли, хилма-хил товарлар ва хизматларга эҳтиёжини тўлароқ қондириш юзасидан фаолиятининг конкрет йўллари ва формаларини белгилаб олишдан иборат.**

**Олдиндан ана шу муҳим масалани муҳокама этишда иштирок этадиган барча ўртоқларга миннатдорчилик билдирамиз. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва пулли хизмат соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги сизнинг танқидий фикр-мулоҳазаларингиз, конкрет таклифларингиз ва маслаҳатларингизни кутамиз.**

◉ (Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тезислари иккинчи саҳифада эълон қилинмоқда).

## Ахборот

19 март куни Тошкентда студент ёшлар вакилларининг ижозат берилмаган митинги бўлиб ўтди. Митингда ўзбек тилига давлат статуси бериш тўғрисидаги масалалар кўтариб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов ёшлар вакиллари билан учрашдилар. Учрашув чоғида унинг қатнашчиларига республикада ўзбек тилини равнақ топтириш, экономикани соғломлаштириш ва социал программаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тушунтириб берилди. Ўртага қўйилган масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси ишида эътиборга олинади.

**(ЎзТАГ).**

## Жонажон Ватан бўйлаб

● **СУХУМИ** ботаника боғи хиёбонларида эндигина очилаётган гулларнинг ёқимли бўйи таралмоқда. Мимоза, магнолия гуллади. Манзарали беҳи дарахти куртаклари бўртиб турибди. Табиатнинг ана шу ноёб гўшасига Николай Раевскийнинг ўғли, Бородино жангининг қатнашчиси асос солган эди. У 1840 йилда Сухуми шаҳрида боғ барпо этган эди. У ўша вақтда Қора денгиз соҳили темир йўли биринчи бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Уруғликлар ва қаламчалар Санкт-Петербург, Никита ҳамда хорижий ботаника боғларидан келтирилганди. Италиядан эса унга магнолиялар, эвкалипт ўсимлигининг турли хиллари, гуллар юборишган эди. Бу ернинг ҳавосига чой, лимон, апельсин, зайтун дарахти, дафна дарахти кўникиб кетди.

### «ЎРГИМЧАК»ДАН «АЛЬТАИР»ГАЧА

Мари АССР пойтахтида очилган кўргазмага қўйилган велосипедлар яратилганига қарийб бир юз эллик йил бўлган. Ўтмиш машиналари орасида ёғочдан ҳамда эгилувчан Дамашқ пўлатидан ишланган велосипедлар бор. Улар ғилдиракларининг металлдан ва пўкак дарахтидан тайёрланган қопламалари, карбид чироқлари ва оддий электр ускуналари томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда. «Ўргимчак» велосипедида Александр III сайр қилишни яхши кўрарди. Ана шу велосипед билан ёнма-ён қўйилган ҳарбий велосипед темир йўлларда юришга мўлжалланган. Йошкар-ола механика заводининг моҳир қўллари ўзлари яратган тезюрар, енгил «Таир» ва «Альтаир» номли янги велосипедларни ҳам намойиш этмоқдалар.

### ЮЗ ЙИЛ МУҚАДДАМ ДЕЛЬТАПЛАНДА

Семипалатинск шаҳрида яшаган Ғали Сарибоев ўзи ясаган учувчи аппаратда илк бор юз йил олдин парвоз қилганлигини айтадиган бўлсак, дельтапланерчилик мухлислари қизиқиб қолишлари шубҳасиз... Ўлкашунос М. Раҳимқулова Оренбургда чиққан «Шўро» журналининг 1914 йил сонида шу ҳақда хабар босилганлигини аниқлади: «...Бу воқеа тахминан 25 йил муқаддам бўлган эди. Иртиш дарёсининг баланд соҳилига белгиланган муддатда халойиқ тўпланди. Улар бу ерга парвозни кўриш учун келган эдилар. Кўп ўтмай ана шу воқеанинг сабабчиси ҳам пайдо бўлди. Унинг аравасида қанотлари ип-газламадан тайёрланган учар қайиқ бор эди... Ғали ўз кемасини тепаликка олиб чиқиб ўрнатди, сўнг жойидан қўзғалди. 30 метрдан юқори кўтарилиб, дарё устидан учиб ўтди...». Ғали шундан кейин ўз аппаратида уча олмади, чунки полиция тақиқлаб қўйган эди. Лекин у тез орада ...парашют ясайди ва баланд дарахт тепасига чиқиб парашютдан ўзини ташлаб, уни синаб кўради...

### ВОЛГА СОҲИЛЛАРИ ФОТОСУРАТЛАРИ

Костромалик А. Анохин манзаралар тасвири туширилган эски фото откриткаларни йиға бошлаганида унинг бу қизиқиши йиллар ўтгач, илмий тадқиқотга айланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У Россияда фотография ривожи ҳақида шу қадар кўп материал тўпладики, бу расмларни бирорта ҳам альбомга сиғдириб бўлмайди. Ўтган аср охирлари ва асримиз бошларида кўҳна Кострома ва Волгабўйи шаҳарлари тасвири туширилган расмларнинг ўзи етти мингтадан кўп. Савдогарлар ва лоцманлар, ялангоёқлар ва саёҳатчиларнинг портретлари алоҳида папкаларда йиғилган. А. Анохин эски расмларни шунчаки ҳавас учун тўплагани йўқ. А. Анохин у ёки бу фотосуратнинг муаллифи ким эканлиги билан ҳар доим қизиқиб келди. Изланишлари давомида фото устаси қандай аппарат билан ишлаганини албатта аниқларди.

### БОЛАЛАР ОНА АЙИҚНИ ЧЎЧИТИБ ЮБОРИШДИ

Новгород областидаги Пereховичи ўрта мактабида ўқиётган болалар анчадан бери шу ерга яқин ўрмонда чанғида сайр қилишни ёқтиришади. Кунлардан бир кун улар чанғи йўлини бироз узайтиришга қарор қилишди. Шунда улар ўрмондаги бир тепалик устидан ўтишларига тўғри келди. Бу ерда, болалар кўз ўнгида она айиқ ўз уясидан сапчиб чиқдию, ўрмон ичига қочиб кетди. Ўқувчилар орадан бир кун ўтгач, воқеа рўй берган жойга катталар билан бирга келишди. Айиқ уясида янги туғилган учта айиқча бор экан. Афтидан, она айиқ ўша кундан бери болалари ёнига қайтмаган. Болалар уни яна бир неча кун кутишди, она айиқ ўз оналик бурчини унутганлигига ишонгач, унинг болаларини ўз тарбияларига олишди. Айиқчалар катта бўлгач, уларни Ленинград ҳайвонот боғига беришади. (ТАСС).

---

*Сўнмас у кунлар шуҳрати*

# ХОТИРАЛАР ҲАМОН ЁДИДА

1944 йил ноябрь ойи. Фозил ертўлама-ертўла юриб, жангчилар орасида бўлар, уларни бўлажак жангга руҳлантирарди. Фозилга ёши қирқлардан ошган, алпқомат бир жангчи мурожаат қилиб қолди:

— Ўртоқ ҳарбий фельдшер, иложи бўлса 1—2 та шахсий боғлаш пакетидан берсангиз.

— Сизда сира ҳам йўқми?

— Бор. Ҳар эҳтимолга қарши деяпман-да. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, дейишади-ку.

— Марҳамат, иккита эмас, учта олинг. Ўзингизга керак бўлмаса, бошқаларга асқотиб қолиши мумкин.

— Шуни айтаман-да, зарур бўлса ишлатамиз, бўлмаса ёнимда тураверади.

— Айтинг-айтинг, керак бўлмасин.

— Раҳмат, саломат бўлинг, ўртоқ ҳарбий фельдшер!

Фозил йўл-йўлакай бошқа жангчилар билан ҳам суҳбатлашиб, ўз қароргоҳи томон кетди.

Кучли артиллерия тайёргарлигидан сўнг ярим кечада отишмалар бошланди. Атрофни тўпларнинг гумбир-гумбири, оловли ёлқини тутиб кетди. 182-ўқчилар полки душманнинг таянч нуқталарига қаттиқ зарба бериб, 1-Болтиқбўйи фронти сафида Кенигсберг томонга силжиб борарди.

Кўп ўтмай ҳали чана, ҳали судрама араваларда Фозил Тўлаганов командирлик қилаётган медицина пунктига ярадорлар кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги оғир аҳволда эди. Санитарлар билан Фозил ҳам ишга киришиб кетди. Унинг қўли-қўлига тегмас, яраланган аскар жароҳатини боғлар, оғриқ қолдириш учун укол қиларди. Умуртқа поғонасидан яраланган жангчи эътиборини ўзига тортди. У секин-секин, ўзича пичирларди: «Болаларим... Улар менсиз нима қилишади?». Фозил шахсий пакет сўраб олган қуролдошини дарров таниди.

Ўша тун қалин қор ёғди. Азбаройи совуқлигидан отлар бурунларидан буғ чиқариб, тез-тез кишнар, депсинишарди. Ҳар қадам босилганда оёқ ости ғичирлайди. Шундай бўлишига қарамай, оғир ярадорлар одеялларга ўраб-чирмаб, чана ёки аравада медсанбатга жўнатиларди.

Тонготар пайтида батальондан алоқачи келди.

— Улуғ Ватан урушининг аянчли дамлари ортда қолди, — деди биз билан суҳбатда Ф. Тўлаганов, — Шунга қарамай жанг хотираларини эсласам худди кечагидек жонланади. Яраланган фидойи қуролдошларнинг илтижоли боқишлари, мислсиз сабр-тоқат, қаҳрамонликлар сира кўз олдимдан кетмайди. Медицина пунктида минглаб ярадорлар билан жон олиб жон бердим. Фронтдаёқ умримни медицина хизматига бағишлашга қатъий қарор қилганман.

У ўз сўзида турди. Урушдан сўнг Тошкент Давлат медицина институтини тугатиб, медицина фанлари доктори, кўзга кўринган олим бўлиб етишди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти патологик анатомия кафедраси мудири вазифасида ишлаб, кўплаб малакали врачлар, мутахассислар тайёрлади.

Айни пайтда кексалик гаштини сураётган Фозил Тўлагановнинг кўксини II даражали Ватан уруши ордени ва кўплаб жанговар медаллар безаб турибди

**И. РАҲМОНОВ,**
**СССР Қуролли кучлари ветерани.**

---

# Она меҳри

*Фоторепортаж*











Ҳа, она қаерда, қандай ҳолатда бўлмасин, оналигича қолади. Она учун ҳамма бир.

Улуғ Ватан уруши фронтларида юзлаб рус, украин, белорус ва бошқа миллат аёллари ярадор бўлиб қуршовда қолиб кетган, асирликдан қочган, оғир жангларда ҳолдан тойган турли миллат ўғлонларини ўз бағриларига олиб, фарзандларидек парвариш қилдилар. Қуршовда қолган совет аскарларини яширдилар, инсон боласи чидай олмайдиган қийноқларда ҳам уларнинг қаердалигини айтмадилар. Она борки, ҳаёт бор, яралиш бор. Ҳа, она шундай буюк зот. Унинг иродасидан зўрроқ куч йўқ бу ёруғ дунёда. Балки шунинг учундир одамзоднинг илк ўрганган сўзи Онадир. Балки шунинг учундир кексайиб бу дунёдан кўз юмар чоғида айтадиган сўнгги сўзи ҳам Онадир.

Бундан бир неча йил бурун ёшгина бир ҳамшира гапириб берганди: «Тез ёрдам» машинасида ярадорларни қабул қилиб олгани аэропортга чиқади. Қизил яримой тамғаси туширилган автомобиллар жуда кўп, ярадорлар эса ундан ҳам... Биринчи навбатда энг оғирларини госпиталга жўнатиш зарур. Шундайлардан бирини — ўн тўққиз, йигирма ёшлардаги ўзбек йигитини уларнинг машинасига олишади. Ҳамшира унинг ёнига ўтиради. Жангчи тинмай алаҳсирарди...

— Ойи, қаёқдасиз, ойижон! Ҳаммаёғим ёниб кетяпти... Нега индамайсиз ойижон!

— Сизга кўп гапириш мумкин эмас, — дейди шашқатор ёшларини тиёлмаган ҳамшира. — Ҳозир госпиталга етиб борамиз, кейин ҳаммаси яхши бўлади. Ойингиз ҳам келадилар...

— Ойим, бечора ойигинам... Ойи, ташлаб кетманг мени... Ойижон!

— Шу ердаман, укажон... Сиз уриниб қоляпсиз.

— Менга алла айтиб беринг, ойи... Эшитгим келяпти.... Ҳамма ёғим ёниб кетяпти, ойижон!..

Ҳамшира кўз ёшларини тиёлмай алла бошлайди. Алаҳсираётган солдат бирдан жимиб қолади. Алланинг сеҳрли кучи уни элитади, азобларини чекинтиради. Аллани эса фақат оналаргина айта олади...

Акмал Икромов районидаги «Оқтепа» ва «Иқтисод» маҳаллаларининг хотин-қизлар Совети аъзолари яқинда хайрли иш қилишди. Улар Тошкентдаги ҳарбий госпиталга бориб, Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этаётиб ярадор бўлган жангчиларнинг ҳолидан хабар олишди. Бу йигитлар Ватанимизнинг турли бурчақларидан келишган: бири рус, бири украин, учинчиси қозоқ... Уларни эса ўзбек аёллари кўргани келишди. Чунки, онага ҳамма фарзанд бир. Ҳаммасига бирдек меҳрибон. Район хотин-қизлар Советининг раиси Ҳалима опа Муҳиддинова ва бошқа оналар ўша куни йигитлар ярасига малҳам бўлишди, меҳрибонликлари билан руҳларини кўтаришди.

Бундай бағри кенг онажонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** онахонлар округ госпиталида.

Р. Шарипов фотолари.

---

# ОҚ ОЛТИН ҚАДРИ

**«Правда Востока»нинг 14 январь сонида Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раиси И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ билан мусоҳаба чоп этилганди. Кўплаб газетхонларнинг фикрига кўра, мусоҳабада республика агросаноат комплексини ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ қатор экологик муаммолар ўз аксини топмаган.**

**Биз газетхонлар мактубларидаги масалаларни умумлаштирдик. Мухбиримиз республика Агросаноат давлат комитети раиси билан яна учрашди.**

**— Исмоил Ҳакимович, сизнинг фикрингизча, республикада интенсив деҳқончилик системаси жорий этилганда экин майдонларининг мақбул структураси қандай бўлиши керак? Бундай ҳолатда чорвачилик, саноат маҳсулотларини кўпайтириш муаммоси қай тарзда ҳал этилади?**

— Экинларнинг мақбул структураси дейилганда даставвал пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш англашинилади. Пахта комплексида чигит экиладиган далалар 60 процентдан, ёки 1.750 минг гектардан ошмаслиги керак. Илмий ишлаб чиқилган хулосалар баайни ана шу нисбат ернинг унумдорлик хусусиятини таъминлаши мумкинлигини тасдиқлайди.

«Монокультура» тушунчаси 1985 йилдан бошлаб хўжалик нутқимизга мустаҳкам ўрнашди. Ўшанда пахта майдонлари 75 процентни ташкил этганди, ҳозир — 5 процент кам. Деҳқончиликнинг янги илмий асосланган системаси ишлаб чиқилди. Алмашлаб экиш схемалари буткул қайта кўриб чиқилди, ҳар бир дала бошқатдан паспортлаштирилаяпти, картограммалар ҳам ҳар хўжалик бўйича қайта кўрилиб янгиланаяпти. Алмашлаб экишни йўлга қўйиш ва жорий этиш устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Пахтачиликни янада ривожлантиришга ёндашувда қолипларни бузиш чигит экиладиган майдонни 100 минг гектардан кўп ҳажмда қисқартириш имконини берди. Бунинг натижаси ўлароқ бедапоялар уч йил мобайнида деярли 100 минг гектарга кўпайиб, 674 минг гектарга етди.

Экинзорлар структурасини тартибга солиш бўйича ишлар жорий йилда давом эттирилади. Чигит экиладиган далалар 50 минг гектардан зиёд ҳажмда камайтирилади, бедапоя эса 120 минг гектарга кенгаяди.

1990 йилга келиб пахта майдонлари 67 процентни ташкил этади, чигит экилган 1.830 минг гектарнинг ҳар гектаридан 27,6 центнер ҳосилдорликка эришилиб, 1 миллион 550 минг тонна тола олинади. Асосий вазифа — ҳосилдорликни кўпайтириш эвазига 5 миллион тонналик даражани сақлаган ҳолда пахта майдонларини қисқартириш ғоясини ривожлантиришдан иборат.

Тўғри, деҳқончилик маданияти ҳали паст. Лекин масалан, ўтган йили пахта майдонларини анча камайтирган ҳолда ҳосилдорликни 3,6 центнерга кўпайтирдик. Бунинг натижасида қўшимча 507 минг тонна хом ашё олинди. Ернинг унумдорлигини биологик жиҳатдан ҳисобга олганда бизнинг шароитларимизда ҳар гектар ҳосилдорлигини 28—30 центнер бўлишини таъминлаш тамомила реалдир.

Ҳозир анъанавий сабзавот-полиз экинлари, картошка, мева-чева, узум ўстириш учун тупроқ-иқлим шароитларидан тўла фойдаланилмаётганлиги билан боғлиқ масала кўриб чиқилаяпти. Чунончи, Самарқанд областининг Оқдарё ва Қорадарё оралиғида ғўзадан кўра картошка ўстирилса анчайин самаралироқ бўларди. Оқдарё, Жомбой, Пайариқ районларида пахта сотишдан олинадиган тушум 1.200—1.400 сўмдан ошмайди, 10—15 центнердан ҳосил берадиган майдон эса 10 минг гектардан кўпдир.

Фарғона водийси областларида, республиканинг бошқа регионларида кўп учрайдиган ўта нотекис ерларда, адирларда, тошлоқ майдонларда ғўза ўстиришга барҳам бериш керак.

Экин майдонлари структурасини такомиллаштириш 1995 йилга келиб 350—400 минг гектарда озуқа ва озиқ-овқат экинлари жой олиши имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра аҳоли жон бошига сабзавот ҳозирги 134 ўрнига 202 килограммни, полиз экинлари маҳсулоти — 41 ўрнига 51, картошка — 13 ўрнига 30 килограммни ташкил этади. Озуқа етиштириш 1,6—1,7 марта кўпайиб, бу гўштни 35 процент, сутни 20 процент, тухумни 13 процент ошириш имконини беради. Саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари қайта ишлаш ҳажми кўпаяди.

Шундай қилиб чигит экиладиган майдонлар қисқариши эвазига даромаднинг камайиши қопланади. Булардан ташқари, пахтанинг харид нархини ошириш масаласи кўрилаяпти. Маълумки, шоли энг сернам экин саналади. Ярим миллион тонна шоли етиштириш учун 11 миллиард куб метрдан кўп сув керак бўлади, шунча оби ҳаёт билан, айтайлик, 2 ҳисса кўп пахта олиш мумкин.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида шоли етиштиришни қисқартириш ортиб қолган сувнинг бир қисмини Орол денгизига йўналтириш имконини берган бўлур эди. Бу Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилайди, шоли майдонларини илмий асосланган нормаларга (80 процент ўрнига 60 процент) етказиш имконини беради.

**— Ўрта Осиё суғориладиган ерларнинг бебаҳолиги ҳаммага маълум. Республикамиз 20 миллион кишини эмас, балки ундан кўп аҳолини ҳам боқишга қодирлиги ҳисоблаб чиқилган. Унда гап нимада? Нега бу имкониятлар ҳанузгача рўёбга чиқарилмаган?**

— Меҳнатни умумиттифоқ бўйича тақсимлаш деган тушунчани унутиб бўлмайди. Ўзбекистон умумиттифоқ фондига 8 миллиард сўмлик турли маҳсулотларни етказиб бериб, ўзи 11 миллиард сўмлик маҳсулот олади. Биз ўзимизда бор маҳсулотни жўнатамиз, ўзимизда йўқ ёки жуда етишмайдиган маҳсулотни эса оламиз. Республикага ҳар йили 6 миллион тонна атрофида дон, 146 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 800 минг тонна атрофида сут ва сут маҳсулотлари, ярим миллион тоннагача картошка, 350 минг тонна қанд, қандолат ва бошқа маҳсулотлар олиб келинади.

Афсуски, ҳозирги пайтда гўё республика ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлай олади деган асоссиз баёнотлар эшитилиб турибди. Пахта ялпи ҳосили кетидан қувиш халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига тушов бўлганлигини ҳеч ким яширмайди, лекин бугунги кунда ҳам бир жойда депсиниш давом этаяпти деб бўлмайди. Яқин-яқинларда ҳам тўқимачилик корхоналари 60—70 минг тонна пахтани қайта ишлашарди, ҳозир икки ҳисса кўпдир.

Йилига 800 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарилади, эндиликда 1,3 миллиардга етди. Қандолат маҳсулотлар олиб келиш қисқарди. Жамоат секторида мева, сабзавот, полиз ва узум етиштириш жорий беш йиллик мобайнидагина ўртача 12 процент ёки 300 минг тоннага кўпайди. Уч йил муқаддам 283 минг тонна, ҳозир эса 328 минг тонна гўшт сотилди, сут уч йил олдин 802,5 минг тонна бўлган бўлса, эндиликда қарийб миллион тоннага етди. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш программаси тузиб чиқилди, аҳолининг турмуш маданиятини кўтаришга йўналтирилган тадбирлар кўрилаяпти. Лекин яна бир бор таъкидлайман: ўзимизни ўзимиз таъминлашимизга ҳали вақт кўп.

**— Пахта монокультураси қишлоқ хўжалиги ривожига салбий таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан айрим мутахассислар хом ашёнинг ялпи ҳосилини 4 миллион тоннага етказишни таклиф қилаяптилар. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?**

— Бу масала биринчиси — яъни экин майдонларининг мақбул структураси масаласига бориб тақалади. Энг муҳими қанча — 4 ёки 5 миллион тонна пахта етиштирилишида эмас, асосий гап экинзорларнинг пахта билан банд бўлиши 60 процентдан ошмаслигида, яъни 2.800 минг гектар пахта комплекси майдонининг 1.700—1.750 минг гектарида ғўза, 800—850 минг гектарида беда ва 350—400 минг гектарида бошқа экинлар ўстирилмоғи керак. 80 минг гектар атрофидаги майдон мелиоратив далалардан иборат бўлмоғи лозим.

Ҳар ҳолда, иттифоқ министрликлари ва идоралари пахтанинг давлат буюртмасини 4 миллион тонна келтирдилар деб тасаввур қилиб кўрайликчи. Бундан нима ютамизу, нима йўқотамиз? Албатта, бу ҳолда ғўзадан бўшаган қарийб 350 минг гектар атрофидаги майдон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга имкон берган бўлур эди.

Хўп, етиштирдик ҳам, ундан кейин-чи? Агар ҳозирги маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш учун қувватлар танқис бўлиб турган бўлса, ўшанда маҳсулотни қаерда қайта ишлаймиз? Айтайлик, омборларнинг таъминлануви эҳтиёжнинг ярмидан салгина кўпроқ. Ўзга ғоя юзага келади: агар ўзимиз қайта ишлай олмасак, бошқа республикаларга сотамиз. Лекин бундай ҳолда ҳам қўшимча рельсли базалар, темир йўл шохобчалари, саралаш пунктлари, совитгич омборлар қуришимизга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси, эътибор қилинг, қурилиш учун маблағлар ўта танқис бир шароитда рўй бериши керак.

Бир гектар пахта майдони ўртача 15—16 минг сўм беради. Ана шу рақамни бўшаган ер майдонларига кўпайтирсак, олинмай қолган ялпи ва товар маҳсулотлари миқдорини биламиз. Бу 5 миллиард сўмликдан кўпдир. Миллий даромад 2 миллиард сўм атрофида етишмай қолади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасига келганимизда, масалан, пахтакорнинг бир киши-кунига сабзавоткор ёки чорвадорга нисбатан 15—20 процент кўп тўланади.

Ўзбекистон пахтаси — мамлакатнинг бутун халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга ишлатиладиган валюта тушумларининг асосий манбаидир. Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

**— Айрим олимлар ва мутахассислар сув омборлари Ўрта Осиё регионида иқлим шароитини ёмонлаштиради, тупроқни орқлатиб юборади деб ҳисоблашади. Уларнинг назарида, Чорвоқ тўғони, айрим сув омборлари қурилиши беҳуда. Сизнинг нуқтаи назарингиз қандай?**

— Кўп йиллик гидрометеорология хизмати кузатишлари шундан далолат берадики, регионимизда сунъий денгизлар иқлимнинг нохуш ўзгаришига ҳеч қандай сабаб бўлмайди. Яна шуни айтаманки, бундай салбий таъсиротлар бўлиши мумкин ҳам эмас. Содир бўлаётган ўзгаришларнинг ҳаммаси кичик эмас, балки кенг кўламга эгадир.

Сув танқис келган 1986 йилни олиб кўрайлик. Сув ресурслари ўта танқис бўлди, агар сув омборлари бўлмаганида пахта, бошқа деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш кескин камайиб кетган бўларди. Эҳтимол ана ўшанда нега бизда сув омборлари йўқ, деган масала қўйилармиди. Ҳозирги замонавий йирик сув омборлари эндигина қурилаётган 50—70-йилларда республика ҳар йили қурғоқчилик билан бирга сув тошқинидан зарар кўрарди. Амударёнинг қуйи оқими суғориладиган ерларнинг анча қисмини ювиб, қишлоқларни вайрон қилган 1969 йил воқеаси кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ўша кунларда Беруний ва Тўрткўл, кўплаб бошқа аҳоли пунктларининг одамлари унутишмайди.

Ўтган йили баҳорда мўл ёғингарчилик Тошкент областидаги дарёларни хавфли кўтарилишига олиб келди. Фақат сув омборлари шарофати билан нобудгарчиликлар кам бўлди. Айни пайтда Сангардак, Типтаксой ва бошқа бошқарилинмайдиган кичик дарёлар ҳавзаларида юзлаб гектар экин майдонларини ювиб кетилди, ирригация иншоотлари, йўллар, алоқа, электр узатгич линиялар ишдан чиқди. Кўрилган зарар 10 миллионлаб сўмда ҳисобланди.

Чорвоқ тўғони хусусида. Чорвоқ — бу Чирчиқ ва Тошкентнинг саноати, бу пойтахт области бир қанча районлари, Қозоғистоннинг анча-мунча қисми энергетика қуввати, ичар сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги демак.

**(«Правда Востока»нинг 11 март сонидан).**

---

*Ёдномалар*

# Тиши билан ёзган шоир

1941 йилнинг сентябрида Ленинград халқ дружиначилари Пулково тепалиги учун қаттиқ жанглар олиб боришаётган эди. Отишма бироз тиниб, дам олинаётган пайтда жангчилардан бири ёнидаги қабрлардан бирига ёзилган мана бундай лавҳани ўқийди:

«Бу ерга 1877-1878 йиллардаги Россия—Туркия урушидан кейин 40 йил тўшакда ётиб, ўз шеърларини тиши билан ёзган, 1917 йил 4 февралда 63 ёшида вафот этган шоир Никтополион Павлович Святскийнинг жасади дафн этилган».

Бу ҳақда кейинчалик қўшимча маълумотлар ҳам аниқланди.

...Биринчи рус революциясининг дастлабки қалдирғочларидан бўлган машҳур Обухов мудофааси кунларида ишчилар мағлуб бўлади. Айбдорларни ёппасига жазолаш, қамашлар, тинтувлар бошланади. Шунда жандармлар қўлда кўчирилган шундай шеърий сатрларни топиб олади:

**Бахтнинг кулган чоғда оппоқ тонги**
**Туғишгандай барчаси бирлашади.**
**Кули кўкка совурилса подшо тахти**
**Қора булут осмондан тарқалади.**

Буюк курашга чақирувчи бундай қўшиқ авторини қўлга туширган подшо амалдорларини катта совға кутар эди. Шундай қилиб, улар кўп ўтмай Чесмен саройида мусофирлар ётган хонадан ёғоч ғуласидай бир одамни «қўлга туширади». Жанговар қўшиғи учун жазоланиши керак бўлган шоир шу киши эди.

Ҳарбий-денгиз флотининг офицери Никтополион Святский рус-турк урушида портлаган снаряддан икки оёқ, икки қўлидан ажралади. Эндигина 24 ёшга тўлган забардаст йигит бир зумда ҳеч кимга кераксиз бўлиб қолади. Бахтсиз йигитдан онаси ҳам, севган қайлиғи ҳам юз ўгиришади. У 1879 йилда мусофирлар уйидан бошпана топади.

У дастлабки шеърларини мусофирлар уйида ётиб ижод қилади. Кейинчалик, аллақайси бир чевар-уста унга тиш билан тишлаб ёзадиган асбоб-қурол ясаб беради. Никтополион Павлович бу асбоб билан 40 йил ижод қилади. Тириклигида икки тўпламини нашр эттиришга муваффақ бўлади. Ватан учун ўт кечган, оёқ-қўлидан ажралган, Георгий Ордени кавалери, ярим жон шоирни тошбағир жандармлар мусофирлар уйидан судраб, кўчага чиқариб ташлайдилар. Уни Москва заставаси ишчилари ўз паноҳларига олишади.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**
**тайёрлаган.**

---

*Бу—қизиқ!*

### ХАЛОСКОР... ҒОЗЛАР

Бельгия чемпионатида «Недеркоор» ва «Хартбюгге» командалари ўртасида ўтказилаётган ўйин охирлаб қолган, ҳисоб эса ҳали очилмаган эди. Охирги минутларда «Хартбюгге» ҳужумчиси майдон эгалари дарвозаси олдида пайдо бўлиб, ҳал қилувчи зарба беришга тайёрлана бошлади. Гол бўлиши аниқ эди. Лекин тўсатдан судьянинг ҳуштаги чалинди. Хўш, нима гап дерсиз? Майдонга ғозлар тўдаси ёпирилгани учун ўйин вақтинча тўхтаган эди. Қолган дақиқаларда бошқа хавфли вазият вужудга келмади ва ўйин дуранг натижа билан тугади. Эртасига газеталар: «Қачонлардир ғозлар Римни қутқарган эдилар, энди эса — «Недеркоор»ни...», деб ёзиб чиқдилар.

### ЭНГ ҚИСҚА ЎЙИН

Яқинда Жазоирда ўтказилган баҳс футбол тарихида энг қисқа давом этган ўйин бўлиб қолса ажаб эмас. Миллий лиганинг «Оулодиа» ва «Релизане» командалари иштирокидаги ўйин бошланиши билан судья қоида бузганлиги учун «Релизане» дарвозасига 11 метрли жарима тўпини белгилади. Аммо ўйинчилар норози бўлиб, судьяни ўраб олишди ва ҳукмни бекор қилишни талаб эта бошладилар. Тоқати тоқ бўлган учрашув ҳаками энг «қайсар» футболчига қизил карточка кўрсатганида «Релизане» командасининг барча аъзолари майдонни тарк этишди.

«Араб-Ньюс» газетасининг таъкидлашича, бу ўйин ҳатто икки минут ҳам давом этмаган.

### ҒАЛАТИ РЕКОРД

Ақл бовар қилмас бу рекорд Пеленинг футбол майкаси билан боғлиқ. Маълумки, футбол қироли ўзининг Бразилия терма командаси сафидаги охирги хайрлашув ўйинини Югославия футболчилари билан ўтказган эди. Қизиғи шундаки, ўйиндан сўнг 87 та футбол майкаси пайдо бўлди. Ҳар бир майка эгасининг айтишича, Пеле фақат ундаги майкани кийиб ўйинга тушган эмиш. Ана сизга жумбоқ.

### БИР ЎЙИНДА — 55 ГОЛ!

Аргентина Кубоги учун «Аделант Рибенк» ва «Кальвес» командалари ўртасида ўтказилган мусобақада 11 метрли жарима тўпи киритиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатилди. Асосий вақт тугаганда ҳисоб 1:1 бўлиб, ғалабани 11 метрли жарима тўплари баҳсида аниқлашга тўғри келди. Узоқ давом этган беллашувдан сўнг «Аделант Рибенк» командаси 28:27 ҳисобида ғалабага эришди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**
**тайёрлаган.**

